



СССР СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИКА БОШЛАГАН

9 август 1970 йил, якшанба

№ 185 (14.651). Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXIV СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

ЮГОСЛАВИЯ САНОАТ ВИСТАВКАСИДА

Соқилини маданият ва истироҳат бонди Югославия саноат виставкаси ишлаб турибди. Бу виставка москвалиларга ва пошта меҳмонларига манзур бўлди. Виставка очилгандан бери унинг экспозицияларини 30 мингга яқин киши келиб кўрди.

7 августда виставкани А. З. Пельше, А. Н. Шеленин, Д. Ф. Устинов, К. Ф. Катушев ўртоқлар, СССР министри Н. С. Патолик, В. Н. Доенин, Бутунитифок савдо палатаси президиумининг раиси вазифасини икки тўғичи Е. П. Потоваков келиб кўрдилар (ТАСС).

ОЗОДАЛИК— СОҒЛИҚ ГАРОВИ

Халқ соғлигини сақлаш — Совет давлатининг энг муҳим вазифа. ларидан бири эканлиги шу йил биринчи июлдан бошлаб кучга кирган ССР Иттифоқи ва иттифоддош республикаларнинг соғлиқни сақлаш ҳақидаги қонун асосларида алоҳида таъкидлаб ўтилган. Бу ишга партия ва ҳукуматимиз эндигина эътибор бераётгани йўн. Совет ҳокимиятининг илк йилларидаёқ Владимир Ильич Ленин меҳнатнашлар соғлигини сақлашга оид юздан ортқи муҳим ҳужжатга имзо чеккан эди.

Шундай, бизнинг Совет давлатимиз дунёда биринчи бўлиб меҳнат ахли соғлиғи ҳақида ғамхўрлик қилишни ўз зиммасига олди, барча меҳнатнашлар учун текис, мазмунли медицина ёрдами кўрсатишни йўлга қўйди. Жамиятимиз ўз таркибидан соғлиқни сақлашнинг кўтарилиган сари соғлиқни сақлаш ишлари даражаси ошиб бормоқда. Айниқса, кейинги йилларда «Аҳолига медицина хизмати кўрсатишнинг аҳоли ва СССРда соғлиқни сақлаш ишлари янада яхшилаш чоралари ҳақида», «Мамлакатда соғлиқни сақлашни янада яхшилаш чоралари ва медицина фанини ривожлантириш тўғрисида», «Ҳарорлар ҳамда республика партия ва ҳукуматининг «Ўзбекистон ССР аҳолисига медицина ёрдами кўрсатиш ва соғлиқни сақлаш ишлари янада яхшилаш тадбирлари ҳақида» қарори партия, совет ва жамоат ташкилотлари томонидан изчил амалга оширилаётгани, ги тўғрисида аҳолига медицина хизмати кўрсатиш янада яхшиланмоқда.

Республика партия ва совет ташкилотларининг халқ соғлигини сақлаш ишига кўрсатётган катта ғамхўрлиги натижасида бу соҳанинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди, соғлиқни сақлаш ва профилактика ишлари сифатини оширишда катта бурилиш ясалди. Беш йилнинг ўтган йиллари мобайнида амбулатория-поликлиника шохобчалари кенгайди. Шу вақт мобайнида врачлар сонин 25 процентдан кўпроқ, ўрта медицина ходимлари сонин 34,5 процент, фармацевтлар 40,4 процент ошди.

Ҳолбуки, революциягача бўлган Ўзбекистонда салкам тўрт ярим миллион аҳолига минг ўринга етар-етмас 64 насалхона, 33 дорихона, 102 врач, 234 ўрта медицина ходими, 80 нафар фармацевт хизмат кўрсатарди. Табикики, дарёдан томи бўлган ана шу танқис муассасалар ҳам асосан бойларга, пулдорларга хизмат қиларди. Аҳолининг соғлиғи чаласавод, жойил табиблар қўлида эди.

Ҳозир республикамиз Соғлиқни сақлаш министрлиги системасининг ўзида салкам 120 минг ўринли 1258 насалхона, 1744 поликлиника муассасалари, 963 дорихона ва бошқа минглаб медицина пунктлари аҳолига бепул тиббий ёрдам кўрсатмоқда.

Партия ва ҳукуматимиз аҳоли саломатлиги йўлида моддий маблағ ва ресурсларни сира алмай сарфламоқда. Бир йил ичида шу мақсадга сарфланган маблағ 7,2 процент кўпайиб, бу йил 9 миллиард сўмдан ошди. Ўзбекистонда эса ана шу мақсадларга бундан беш йил олдин ажратилгандан бир ярим баравар, 1940 йилдагидан 12 баравар кўп маблағ сарфланган. Агар 1914 йили соғлиқни сақлаш ишларига аҳоли мон бошига ҳисоблаганда 14 тийиндан маблағ сарфланган бўлса, бу йил 29 сўм ажратилганининг ўзи бизда соғлиқни сақлаш ишларига қанчалик катта аҳамият берилаётгани, лисини яққол кўрсатиб турибди.

Олий ва ўрта медицина ўқув юрталарининг, илмий тадқиқот институтларининг, аёллар ва болалар консултацияларининг, ихтисослаштирилган диспансерлар, турли санитария муассасаларининг, соғлиқни сақлаш пунктлари ва туғруқхоналарининг кенг тармоғи мавжудли, уларни ўқитишда тасаввур ҳам қилиб бўлмасди. Саломатлик посбонларининг фидокорона ва сидақидан иш олиб бораётганлиги, лари тўғрисида ўқитишда кенг тарқалган вабо, чечак, ўлат, юкмули ич терлама касалликлари тағ-томири билан йўқ бўлиб кетди. Безгак, трахомасингир касалликлар тўғрисида, Одамларнинг бўғма қизамиқ сингари касалликка чалиниши кескин камайди. Буларнинг ҳаммасида медицина фанининг ва бу фан тахминатларининг ҳиссаси буюқдир.

Медицина ходимлари армиясининг катта отряди — врачлар, ҳамширалар, фельдшерлар, лаборантлар, олимлар ва медицина саноати ходимлари ўларнинг барча билим ва кучларини совет ишларининг сиҳат-саломатликлари сақлашда олиноб ишга сарфламоқдалар. Бу ўринда Тошкент шаҳар медицина ходимларининг ташаббуси диққатга сазовордир. Улар шу йил биринчи августдан бошлаб озодалик ва санитария ободчилиги ойлиги ўтказишга қарор қилдилар. Шаҳар партия комитети ва ижроия комитети бу ишга бошчилик қилиб, кўчалар ва майдонлар, боғлар ва хиёбонлар, саноат корхоналари ва муассасалар, ўқув юрталари ва мактаблар, уй-йўй биноларининг ҳовлилари ва миқдорайонларда яхши санитария шартини яратиш тадбирларини белгилдилар. Аҳолининг соғлигини сақлашга қаратилган бу муҳим ташаббус бошқа шаҳар ва районларда ҳам қўллаб қувватланганда молиқдир.

Афсуски, озодалик — саломатлик гарови эканлигини тушуна туриб, унга риоя қилмайдиган, саломатлигини қўқотганда эса медицина муассасаларига, саломатлигининг ҳақиқий посбонларига муурожаат қилиш ўрнига ҳар қил табибларга муурожаат қилмайдиган ёки ўзибларини қилиб «қўлбола» суллар билан доволанишга мойил кишилар ҳам учраб туради. Улар бу билан фақат ўзларигагина эмас, теварак-атрофдаги кишиларга, қўни-қўшниларга, қариндош-уруғларга ҳам зарар етказадилар. Чунки, врачлар аралашуви билан кишилар кун ичида доволан мумкин бўлган касалли асосини қўқотиб юбарадилар, бошқаларга ҳам юқинишга сабабчи бўладилар. Аҳоли орасида медицина ва илмий-атеистик пропаганда олиб юришга дарбат этилган тегинчи ташкилотлар ўз фаолиятларида масаланинг бу томонига алоҳида эътибор беришлари даркор.

Саломатлик — туман бойлик, халқ соғлиғи — юрт бойлиги, дейди доно халқимиз. Шундай экан, халқ саломатлигини сақлаш ма. салалари билан ҳамма партия, совет, комсомол, касабасоюз ва бошқа жамоат ташкилотлари шуғулланишлари зарур. Бу ишда кўп сонли медицина ходимлари алоҳида жонқолиб кўрсатишлари даркор. Улар медицина соҳасидаги билимлар ва йиллиқларидан оммани муттасили баҳардор қилиб туришлари, профилактик чораларни вақтида кўришлари лозим.

Партияимизнинг халқ тўғрисида ғамхўрлик қилишдан ҳам кўра олийроқ бурчи йўн. Медицина муассасаларининг кўп мингги коллективлари, партия ва совет, касабасоюз ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамини халқ соғлиғи тўғрисида ўйлашлари ва қайғуришлари, аҳоли яшайдиган жойларнинг ҳаммавақт саранжом-саришта, озода бўлиши учун ҳамма тадбирларни қўришлари лозим.

ХУШХАБАРЛАР

Қурувчилар КПСС XXIV съезди шарафига кўтаринки руҳ билан ишлашяпти. Улар бинокорлар кунини катта-катта ютуқлар билан қаршилашди.

★ ФАРҒОНА

Республика Қурилиш министрлигининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли 8-қурилиш трести коллективи темир-бетон буюмлари заводида йилга 10 минг куб метр йиғма-темир бетон конструкциялари ишлаб чиқарадиган полигон қурмоқда. Қурилиш тугай деб турибди.

★ САМАРҚАНД

Тикув фабрикаси фойдаланишга топширилди. Корхонанинг дастлабки маҳсулоти харидорлар қўлига теги. Бу ерда йилга 2 миллионга яқин тиккилади. Чинни, лифт, холодильник заводлари қурилиши давом этмоқда.

★ НАМАНГАН

Шойи ва костюмбош газлампалар комбинати қурилиши жадал суръатлар билан олиб бориладир. Бинокорлар 1970 йилнинг олти ойлик қурилиш планини 141 процент бажаришган эди. Июль ойи топшириги ҳам муваффақиятли удаланди. Шу қушларда комбинат пардозлаш фабрикасининг биринчи навбатда қурилиш монтаж ишлари кетяпти.

★ ТОШКЕНТ

«Узгавластройиндустрия» бошқармасига қарашли 1-ремонт механика заводида янги ишлаб чиқариш корпуси қад кўтарди. Корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини оширадиган бу корпусни Чирчиқдаги 160-қурилиш трести бинокорлари қуриб беришди. Янги цехда йилга салкам 10 минг тонна металл конструкциялари ишлаб чиқарилади.



ОШИРИЛГАН МАЖБУРИЯТ

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли саноат корхоналарини қуришга ихтисослашган 160-қурилиш трести коллективи 7 ойлик қурилиш-монтаж ишлари топширигини муддатидан 6 кун илгари 121,1 процент бажарган эди. Трестда меҳнат умумдорлиги ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 25,60 процент ошди. Ишчиларга ҳақ тўлаш миқдори эса 18,9 процент ортди.

Меҳнатсевар қурувчилар Чирчиқ электростанция комбинатида йилга мингларча тонна аминка ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган корпусни қуриб фойдаланишга топширишди. Биринчи механика-ремонт заводида эса, йилга 10 минг тонна металл конструкция етказиб беришга эга қурувчи тугатилди. Ўтган давр мобайнида трестда 40 та рационализиаторлик таллифи ишлаб чиқаришга қўйиб, ундан 175 минг сўм фойда қўрилди.

Трест бинокорлари Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводида реконструкциялашда, Тошкент тракторозилин, трансформатор заводида катта хажмдаги қурилиш-монтаж ишларини амалга оширдилар. Бу галабани қўлга киритишда Чирчиқ уй-йўй қурилиш бошқармасидан В. Оқмуллаев бошлиқ монтажчилар, И. Ма. силов бошлиқ бўёқчилар, 126-қурилиш ма. механизациялашган колоннадан Ш. Шомарқуров, А. Буч ўр. тоқлар бошлиқ комплекс қурилиш бригадалари, 94-қўйма механизациялашган колоннадан У. Ша. хобов, 3. Абдулазимов, М. Рама. метов ўртоқлар бошлиқ комплекс қурилиш бригадалари коллективи, лари сийки ва қаватлар топширишлари муттасили 150.160 процент бажариб, муносиб ҳисса қўшишди.

Трест бинокорлари КПСС XXIV съезди шарафига муносиб армуғон ҳозирлаш мақсадида зиммаларига оширилган мажбурият олишди. Мажбуриятда беш йиллик планни 7 нолбегача бажариш кузда тўтилди.

Эргаш БУХОВЕР, 160-қурилиш трестининг юрист-консультанти.

ЎРОҚ ВА БОЛҒА ИТТИФОҚИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ АКТИВИ ЙИҒИЛИШИ

7 август кўни Тошкентда шаҳар партия ташкилоты активининг йиғилиши бўлиб ўтди. КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIX пленумининг қарорлари муносабати билан республика пойтахти коммунистларининг вазифалари муҳокази қилинди. Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари С. Р. Расулов доклаз қилди.

Йиғилишда қатнашчилар КПСС Марказий Комитети 1970 йил июль Пленуми қарорларини илгари, мазкурларидилар, Тошкент ва Сирдарё областлари қишлоқ меҳнатчилари билан «оталик алоқаларини мустаҳкамлаш юзасидан шаҳар партия ташкилоты ишлаб чиқар тадбирларини тасдиқладилар. Йиғилишда партия XXIV съездин муносиб кўтиб олиш юзасидан социалистик мажбурият қабул қилди.

Йиғилишда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов қатнашди. (ЎЗАТ).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

7 августда КПСС Марказий Комитетида Трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги министрлигига қарашли тракторозилин ва моторозилин заводларининг директорлари, бош конструкторлари ва партия комитетларининг секретарлари билан суҳбат бўлиб ўтди. Суҳбат қатнашчилар КПСС Марказий Комитетининг 1970 йил июль Пленуми қарорларини амалга ошириш, қишлоқ хўжалигининг эҳтиёжларини янада тўлақон қондириш учун янги кўп қувватли тракторлар ишлаб чиқаришнинг ташкил қилиниши тезлаштириш, тракторлар ва уларнинг эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқаришни қўлайитириш, сифатини ва пухталлигини ошириш чоралари тўғрисида фикрлашиб олдилар.

Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари А. П. Кириленко, КПСС Марказий Комитетининг секретари Ф. Д. Кулаков, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари — СССР Госсабиининг раиси В. Э. Димшин, Харьков, Челябинск, Павлодар област партия комитетларининг биринчи секретарлари Г. И. Ващенко, М. Г. Воробьев, И. М. Буров, КПСС Марказий Комитети бўлимларининг мудири В. С. Фролов ва И. Н. Димитриев, СССРнинг бир қанча министрлари, СССР Госплани ва бошқа идораларнинг масъул ходимлари қатнашдилар.

ШОЛИКОРЛАР КЕНГАШИ

УРҒАНЧ. (ЎЗАТ). Ал-Хоразмий номи совхоз меҳнатчилари КПСС XXIV съезди шарафига бу йил гектар бошига 50 центнер шоли ҳосили олишга сўз бердилар. Ўлар қисқа вақт ичида тўғайларни дайлаб, яхшилаб текислаб, иккенирлик типигада тидоротехника иншоотлари қурдилар. Бу тўғай хўжалиги гектар бошига салкам 47 центнер ҳосил қўйиш ва давлатга таъминлаш беш йиллик планини муддатидан олдин бажардилар. Совхоз КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, ВЦСПСнинг Ленин юбилейи Фахрий ёрлиғига сазовор бўлди.

Шу сабабли Ўзбекистон шоликорларининг 7 августдаги кенгашини ўтказиш учун Ал-Хоразмий номи совхоз танлаб

Кенгашта Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Н. М. Матюхов нутқ сўзлади.

ҲАМ ПАХТА, ҲАМ ЧОРВА

Янгиқариқ районидида Охунбобоев номи колхозининг довриги бутун республикамизга ёйилган. Бу ерда ўз касбиянинг ажойиб усталари — пахтадан мул ҳосил еттиштириб, эл-юртга таъинлан азамат деҳқонлар жуда кўп. Ҳосилдорлик жиҳатидан ҳам бу ерлик бободехқонларга тенглашадиган кишилар кам. Шунинг учун ҳам республикамизнинг турли бурчакларидан келган кишилар охунбобоевчиларнинг кўп йиллик тажрибасини кўнл билан ўрганишди, ҳавас қилишди.

Колхозда пахтачиллик билан бир қаторда қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини, хусусан, чорвачиликни ривожлантиришга катта эътибор бериламоқда. Фермадаги чорва моллари тўғйи бил сайин қўлайиб, маҳсулдорлигини ортқи бормоқда. Ўтган йилги оғир шароитда ҳам хўжалиқ чорвачилиқдан анча фойда қўрганлиги бунинг далайлидир.

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорларидан бениҳоя руҳланган колхоз фидокорлари чорвачиликни тағин ҳам зўр-бериб ривожлантиришга аҳд қилдилар. Чўпонлар гўшта топшириладиган ҳар бош қўйнинг тарин

вазинни ўртача 42 килограммга етказиш учун курашмоқдалар. Республикада хизмат кўрсатган чорвадор Самандар Қаримов ўз буювидаги 1500 бош қўйни семиртириб гўшта топширмоқчи. Моҳир чўпон ҳар бош қўйнинг тарин вазинини 44 килограммга етказишга сўз берган. У шу кунларда қўйлари сервисини озуқалар билан парвариш қилиб, йилларга қайлаб бонмоқда, вақтида сугориб, вақтида дам бермоқда.

Хўжаликда бундай чўпонлар кўп. Шулардан бири Қўрбон Жуманнэзовдир. Унинг ота-

ридаги қўйлар зооветеринария қондалари асосида парвариш қилинаётганлиги тўғрисида ахалият беришмоқда. Сов. ликлардан қўзи олиш, жун қирқиш, ўсншга қўзи қолдириш планлари анча ошириб адо этилди.

Илгор чўпонларнинг фидокорона меҳнати тўғрисида колхозда қўйлар 6153 бошга етказилди. Бу, пландагидан 1033 бош кўпроқ.

Сут-товар фермасида 400 га яқин сугир соғилмоқда. Маъриф Қориева, Жумагул Солиева каби чеварлар ҳар бош сугирдан пландаги 1500

